

DOI 10.36074/logos-01.10.2021.v1.23

ХЎРАКИ УЗУМ НАВЛАРИНИ СУВ ТЎЛДИРИЛГАН ИДИШЛАРДА (БАКЛАЖКА УСУЛИДА) САҚЛАШНИНГ ҚЎШИМЧА ТАВСИЯЛАРИ, АФЗАЛЛИКЛАРИ ВА КАМЧИЛИКЛАРИ

А.Ш. Азизов

“Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш”
кафедраси профессори
Тошкент давлат аграр университети

Б. А. Тошматов

“Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш”
кафедраси магистранти
Тошкент давлат аграр университети

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

Аннотация. Юқоридаги маълумотларда узумнинг хўраки навларини сув тўлдирилган идишларда сақлаш жараёни учун зарур тавсиялар, ударнинг авфзалликлари ва камчиликлари келтирилган.

Долзарблиги. Ҳисоб-китобларга кўра, 1 гектар майдонда етиштирилган пахта хомашёсига нисбатан узумдан 7 баравар кўп даромад олиш имконияти мавжуд. Бунга кўра сохани янада такомиллаштириш мақсадида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 мартдаги «Мева-сабзавотчилик соҳасида қишлоқ хўжалиги кооперациясини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-4239-сон қарори қабул қилинган эди [1].

Хўраки узум меваларини сақлашда ресурс тежамкор, узум мевалари сифатли ва узоқ муддат сақланадиган, кам энергия сарфланадиган усуллардан фойдаланиш ушбу қарор ижросини таъминлашга ҳизмат қилиши шубҳасиз. Юқорида санаб ўтилган авфзалликларга эга бўлган усуллардан бири узумнинг хўраки навларини сув тўлдирилган идишларда (баклажка усулида) сақлаш усулидир. Биз қуйида ушбу усулнинг самарали тавсиялари, авфзалликлари ва камчиликлари билан қисқача танишамиз.

Хўраки узум меваларини сув тўлдирилган идишларда (баклажка усулида) сақлаш жараёни замонавий совутгичли омборларда ҳам уй шароитида сақлашда ҳам ўз самарасини бериб келмоқда. Ананавий халқ усули ҳисобланган, узум бошларини иккиламчи кўп йиллик занги билан кесиб сув тўлдирилган идишларга жойлаб сақлаш усули ҳозирда деҳқон-фермер хўжаликларида анча йиллардан буён айниқса Фарғона вилояти Олтиариқ тумани миришкор деҳқонлари томонидан амалиётда кенг қўлланилиб келинмоқда. Республикаимизнинг турли иқлим шароитларида ҳам ушбу усулни амалиётга тадбиқ этса бўлади.



1-расм. Узум меваларини ҳамда сув тўлдирилган идишларни яшиқларда жойланиши

Узумнинг хўраки навларини баклажка усулида сақлаш учун тавсиялар:

Узум меваси кейинги йил хосили учун ҳизмат қиладиган иккиламчи кўп йиллик занглар асосий новдадан 1-2 бўғин қолдирилиб кесилади.

Сақлаш учун кесилган занг қанча бақувват бўлса сувни шимиши яхши бўлади, узоқроқ сақланади.

Занглар яшиқдаги идишларга солинган дастлаб идишнинг учдан бир қисмига сув қуйилади, сақланадиган хонага киритилиб жойлангандан сўнггина идишга тўлдириб сув қуямиз. Яшиқ тайёр ҳолатга келтирилиб то сақланадиган хонага киргунича бир муддат вақт талаб этади. Агар сув қуймасак узум банди сувсизланиб қолиши мумкин. Аксинча бошиданоқ идишга тўлдириб сув қуйилса, яшиқлар қўзғатилган пайтларда идишдаги сув чайқалиш хисобига яшиқ ичига узум бандлари ва қуруқ қоғозлар устига тўкилади ва намликни ошириб юборади.

Яшиқларга жойланган узум бандига сақлаш муддати етмагунча тегилмайди, жойидан қўзғатилмайди.

Сақлаш учун ажратилган хона олтингугурт билан димланган бўлиши лозим.

Хона деразалари қуёшга тескари бўлгани маъқул.

Яшиқлар тагига 10 см тахтадан сўри қилинади (паддонлар). Сўриларни ердан кўтариб туриши учун тагига банка идишлар қўйилгани мақсадга мувофиқ. Агар хонага турли кемирувчилар кирадиган бўлса у банкалардан чирмашиб чиқа олмайди. Фишт ёки тахтадан эса сичқонлар чирмашиб чиқа олади ва улар бутун бошли сақланаётган узум меваларига зарар етказиши мумкин. Яшиқлар ердан 20-25 см баландликда кўтарилади.

Сақлаш учун узум занглари кесилаётган вақтда боғда 24-26 С иссиқ харорат бўлиши мумкин. Бундай харорат пайтида сақланадиган хона харорати 8-12 С илиқлиги таъминланган бўлиши лозим.

Хонага яшиқлар жойлаштирилган хонанинг дераза ва эшиклари қуёш нуруни ўтказмайдиган мато билан ёпилади. Хонага ёруғлик ва иссиқ хаво кирмаслиги керак.

Хароратни мунтазам ўлчаб туриш учун хонага термометр қўйилади.

Сақлашнинг илк кунларида, кечки салқин тушган пайтда хона 3-4 соат шамоллатилади.

Қиш ойларида эса хона кундузи 1 соат шамоллатилади. Бунда хона харорати мунтазам ўлчаб турилади.

Баклажка усулида шамолни табиий холда эсишини таъминлаш муҳим.

Қучли шамол эсган ва туман тушган пайтлари хонанинг эшик деразалари очилмайди. Туман хона намлигини ошириб юборди натижада узум мевалари чириши мумкин.

Баклажка усулида сақланаётган узум меваларига кучли шамол таъсир этса узум бандлари ва доналарида қуриш, сўлиш аломатлари кузатилади. Бу усулда сақланаётган узум меваларимизга шамолнинг кучли тарзда эсиши мумкин эмас.

Бази кунлари туман тушиши 2-3 кунлаб давом этиши мумкин. Хонани эса шамоллатишга тўғри келади. Бундай вазиятларда вентиляторлардан фойдаланамиз. Вентилятордан фойдаланганда уни яшиқлардан узоқроқ қўйишимиз керак ва ундан узоқ муддат фойдаланиб бўлмайди.

Узум меваларини баклажка усулида сақлашни илк кундан сўнги кунигача идишда (баклажкада) сув бўлиши жуда муҳим. Сақлашни дастлабки кунларида идишга 7-10 кунда сув қуйиб турилади. Кейинги кунларида 12-18 кунда сув қуйилади. Идишдаги сув тугаб қолишига йўл қўйилмайди. Идишга ҳеч қандай қўшимчаларсиз оддий ичимлик суви қуйилади.

Баклажка усулида хўраки узум навларини сентябрь ойидан март ойигача сақлаш мумкин. Бу усул сердаромад ҳисобланади чунки энергия сарфи ва ортиқча харажатларни талаб этмайди. Узум мевалари фарқ пишган мавсумда хусайни узум навини 6-7 минг сўм атрофида сотиб олиб баклажка усулида январь-февраль ойлариғача сақлаб 22-30 минг сўмдан сотиш мумкин.

Узумнинг хўраки навларини сув тўлдирилган идишларда (баклажка усулида) сақлашнинг авфзалликлари ва камчиликлари.

Авфзалликлари: Сақлашнинг бошқа табиий усуллариغا нисбатан узоқроқ сақланади, узум бандлари яшил холдаги табиийлигини сақлаб қолади яъни март ойида ҳам узум бандлари худди боғдан узилгандай яшил холда бўлади узум сифатли сақланади, узум массаси табиий камайиши пасаяди, яхши сақланган узум сердаромад бўлишига эришилади, узум банди ва меваси қуриб қолишининг олди олинади. Бу жиҳатлар номавсумийлик вақтларида жуда муҳим ҳисобланади. Авфзалликлари билан бирга камчиликлари ҳам йўқ эмас.

Камчиликлари: 7 кг яшиқка 5.0-5.5 кг узум жойланади қолган жойни эса идиш эгаллайди, ва бу хонанинг фойдали хажмидан нотўғри фойдаланишга сабаб бўлади. Идишдаги (буғланиш сабабли) сув камаяди ва қўл мехнатини кўп талаб этади ва бу узумнинг механик шикастланишига олиб келади натижада узумнинг товарбоблик ва экспортбоблик хусусиятлари камаяди. Узумни баклажка усулида сақлашнинг энг катта камчилиги бу токнинг ҳосил шохини йўқотишидир. Баклажка усулида сақлаш учун узум қалин ҳосил шохи (10-14 см) билан бирга кесилади, бу эса кейинги йил ҳосили 10-15% га камайишига сабаб бўлади.

Дунё бозорида хўраки узумлар, асосан сифат кўрсаткичларига қараб баҳоланади. Айниқса узум бошлари катта, ғужумлари йирик, уруғсиз, кўркам, ширадор, хушбўй навлар жуда қадрланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- [1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг 2019 йил 14 мартдаги ПҚ – 4239-сонли “Мева-сабзавотчилик соҳасида қишлоқ хўжалиги кооперациясини ривожлантириш чора-тадбирлари” тўғрисидаги қарори. - Lex.uz

- [2] Мирзаев М.М и др. Ампелография Узбекистана. Ташкент: «Узбекистан», 1984
- [3] Орипов Р, Сулаймонов И, Умурзоқов Э. «Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш технологияси». Тошкент: «Меҳнат», 1991.
- [4] АҚШнинг USID халқаро агентлигининг “Қишлоқ хўжалигида қиймат занжирини ривожлантириш” АВС лойиҳаси доирасида бўлиб ўтган “Мева-сабзавот маҳсулотларини сақлашда совуқхоналарнинг ўрни, соҳанинг бугунги кун ҳолати ва истиқболлари” мавзусида илмий амалий семинар Тошкент. 2020 й.
- [5] Азизов А.Ш. Мева ва сабзавотларни инновацион технологиялар асосида сақлаш ва қайта ишлаш технологиялари ТошДАУ таҳририят нашриёти. – Тошкент – 2018. – б. 64